

РАҲМАТОВА Говҳар Омоновна
Oriental университети, Тиллар-1 кафедраси
катта ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)
e-mail: gokki1990@mail.ru

ТУРКИЙ ОҒЗАКИ ШЕЪРИЯТДА ҚАСИДА ЖАНРИ ВА УНИНГ ГЕНЕЗИСИ

ЖАНР КАСИДА И ЕГО ГЕНЕЗИС В ТЮРКСКОМ ФОЛЬКЛОРЕ

GENRE OF ODE AND ITS GENESIS IN TURKIC FOLKLORE

Аннотация. Туркий халқлар оғзаки ижоди ўзининг ранг-баранг жанрлари билан ажралиб туради. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугати-т-турк» асарида келтирилган халқ оғзаки ижоди намуналари ичида рубоий, достон, мунозара, қасида, фаҳрия каби жанрлар мавжудлиги бунинг исботидир. Асарда келтирилган парчалар ичида табиат тасвирига оид тўртликлар анчагина ва улар орасида баҳор ҳақидаги қасида мавжуд. Ушбу мақола туркий халқлар оғзаки ижодида қасида жанри ва унинг генезисига бағишланади.

Аннотация. Устное народное творчество тюркских народов отличается разнообразием жанров. Об этом свидетельствует тот факт, что в «Дивани лугати-т-турк» Махмуда Кашгари включены такие жанры, как рубаи, дастан, муназара, касида (ода), фахрия и другие образцы народного фольклора. Отрывки в произведении содержат ряд четверостиший, посвященных описанию природы, в том числе и оду о весне. Данная статья посвящается жанру касида и его генезису в тюркском устном народном творчестве.

Таянч сўзлар: халқ қўшиқлари, қасида, семантика, қасидаи баҳория, қасидаи мадҳия, қасидаи фаҳрия, қасидаи хазония, қасидаи ҳажвия, қасидаи ҳолия, қасидаи ишқия, қасидаи ҳамрия.

Аннотация. Устное народное творчество тюркских народов отличается разнообразием жанров. Об этом свидетельствует тот факт, что в «Дивани лугати-т-турк» Махмуда Кашгари включены такие жанры, как рубаи, дастан,

муназара, касида (ода), фахрия и другие образцы народного фольклора. Отрывки в произведении содержат ряд четверостиший, посвященных описанию природы, в том числе и оду о весне. Данная статья посвящается жанру касида и его генезису в тюркском устном народном творчестве.

Ключевые слова: народные песни, касида, семантика, касидаи бахория, касидаи мадхия, касидаи фахрия, касидаи хазания, касидаи хаджвия, касидаи халия, касидаи ишкия, касидаи хамрия.

Annotation. The oral folk art of the Turkic peoples is distinguished by a variety of genres. This is evidenced by the fact that Makhmud Kashgari's "Divani lugati-t-turk" includes such genres as rubai, dastan, munazara, kasida (ode), fakhriya and other examples of folklore. Fragments in the work contain a number of quatrains dedicated to the description of nature, including an ode to spring. This article is devoted to the kasida (ode) genre and its genesis in the Turkic oral folk art.

Key words: folk songs, ode, semantics, kasidai bakharia, kasidai madkhiya, kasidai fakhria, kasidai khazania, kasidai khajviya, kasidai kkhalia, kasidai ishkiya, kasidai khamria.

КИРИШ

Адабиёт тарихидан маълум бўлишича, адабий асарлар турли даврларда турли халқлар ва айрим кишилар ҳаётида муҳим тарбиявий роль ўйнаган [1:22]. Энг қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари ёзув юзага келмасдан анча илгари пайдо бўлган ва ёзма адабиётнинг ташкил топишига таянч вазифасини ўтаган. Қадимий туркий халқлар оғзаки ижод намуналари асл ҳолида, тўла равишда бизгача етиб келмаган. У оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодага ўтиб ижодий ишланган. Ҳар бир материал турли хил ижтимоий қатламлар таъсирида ўзгариб, шакл ва мазмунида янги-янги ўзгаришлар юзага келган. Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги замонларга оид айрим оғзаки адабий ёдгорликлари баъзи бир манбалар орқали бизга қадар сақланиб қолган. Булардан бири Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугати-т-турк» асаридир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Асарнинг тузилиши турли-туман бўлиб, у туркий тилдаги поэтик жанрларнинг

шаклланиши ва эволюциясини кузатиш учун дастлабки ва муҳим манба ҳисобланади. Туркий тилдаги шеърӣй шакллар, уларнинг ўзаро муносабати, умуман, туркий тилдаги адабиётнинг XI асрдаги ҳолати ва унинг олдинги даврлар, шунингдек, қўшни халқлар адабиёти билан алоқаси XI аср адабий этикетига муносабати каби масалаларни, «Девону луғати-т-турк» орқали ёритиш мумкин.

Асарда табиат тасвирига бағишланган узиндилар орасида кўкламни мадҳ этувчи парчалар ҳам мавжуд ва улар, бизнингча, туркий қасиданинг илк намунасидир.

Маълумки, қасида арабча сўз бўлиб, «мақсад», «нийат қилиш» маъноларини англатади ва мумтоз лирикадаги шеърӣй жанрлардан биридир [Қаранг: 8: 565-596]. Гарчи ғазал типига қофиялансада, ундан фарқли ўларок, қасида ҳажм жиҳатидан чекланмаган бўлади. У 15-20 байтдан 100 байтгача, ҳатто бундан ҳам кўпроқ байтдан иборат бўлиши мумкин. Тематик жиҳатдан ҳам у ғоят кенг қамровга эга [Қаранг: 5:130-132; 6: 9-18].

Мумтоз адабиётда қасида, асосан, бирор шахс (шоҳ, арбоб, қаҳрамон), бирор муҳим воқеа, табиат ва шу қабиларни мадҳ этиш, уларнинг юксак фазилат ва хусусиятларини эътироф этиш мақсадида ёзилган. Мумтоз шеърӣятда қасиданинг композициясига қўйилувчи талаблар ишлаб чиқилган. Унга кўра қасида кириш (*насиб* ёки *ташбиб*), таъриф жойи, объектнинг баёни (*васф* ёки *гузиргоҳ*), *мадҳ* ва *мамдуҳ* (макталувчи) ҳақиқа дуо ва шоир нияти (*қасд*) каби қисмлардан иборат бўлади. Шунингдек, айрим манбаларда қасидалар мазмунига кўра *қасидаи баҳория*, *қасидаи мадҳия*, *қасидаи фаҳрия*, *қасидаи хазония*, *қасидаи ҳажвия*, *қасидаи ҳолия*, *қасидаи шиқия*, *қасидаи ҳамрия* каби турларга ҳам ажратилган.

«Девону луғати-т-турк» асаридаги «Баҳор ҳақидаги қасида»га келсак, *насиб* (ташбиб) қисми йўқ. Бундай қасида мумтоз адабиётда *қасидаи мужаррад* (оддий, содда) ёки *маҳдуд* (чегараланган) деб аталади.

Қасиданинг марказида баҳор фасли туради. Унда баҳорнинг жамики яхши сифатлари халқона содда тилда қўйланади:

تۈرلۈك چچك يزلدي *Tür-lüg çeçäk yazıldı*,
 برچن يذم كرلدي *Bar-çin yađim kerildi*.
 اجماق يري كزلدي *Uçmaq eri körüldi*,
 تملغ ينا كلگۈسۈز *Tumluğ yana kelgüsüz*.

Баҳорни таърифлаб айтади: ҳар турли чечаклар очилди, худди (сернақш) ипак гиламлар ёзилгандай. Жаннат ери кўрилди. Совуқ ҳеч қайтиб келмас даражада ҳаво исиди [4:60].

Қасида *a-a-a-b* шаклида қофияланувчи 14 та тўртликдан иборат бўлиб, қасида мазмун жиҳатидан *қасидаи мадҳия* турига киради.

Кейинги давр қасидаларидан фарқли равишда «Девону луғати-т-турк»да келтирилган ушбу қасида бармоқ вазнидадир. Бу эса, туркий халқлар оғзаки ижодидаги яна бир ўзига хосликни намоён этади.

Бармоқ вазни – бўғинлар саноғи, мутаносиблигига асосланган шеър ўлчови тури. Бармоқ тизими ўзига хос хусусиятларга қўра, аруз тизимидан фарқ қилади. Бармоқ вазни анъанавий халқ атамасидир. Бармоқ тизими жаҳон шеърӣятидаги тўртта: силлабик (бўғин), силлабиктоник (бўғин-урғу), тоник (урғу) ва квантитатив (яъни бўғинларнинг қисқа ва чўзиқлигига асосланган) шеър тизимларидан бири. Тоник тизим сўз урғуси эркин бўлган тилларга мансуб (масалан, рус тили ва поэзиясида шундай, ўзбек тилида сўз урғуси ўтрок, шу сабабли эркин вазн ё сарбаст жанри мустақил шеър тизими эмас, балки у бармоқ тизимига киради). Бармоқ тизими атамаси содда вазн (4+4+3, ё 6+5), эркин вазн (вазн тури) маъноларида ҳам қўлланади. Бармоқ тизими атамаси шеърӣй мисраларнинг бўғинларини бармоқ билан санашдан келиб чиққан [9]. Мисол учун:

تۈرلۈك چچك يزلدي *Tür+lüg+çe+çäk / ya+zil+di//*
 برچن يذم كرلدي *Bar+çin+ya+đim / ke+ril+di//*
 اجماق يري كزلدي *Uç+maq+ye+ri / kö+rül+di//*
 تملغ ينا كلگۈسۈز *Tum+luğ+ya+na / kel+gü+süz*.

Баҳорни таърифлаб айтади: ҳар турли чечаклар очилди, худди (сернақш) ипак гиламлар ёзилгандай. Жаннат ери кўрилди.

Совуқ ҳеч қайтиб келмас даражада ҳаво исиди [4:60].

Яна бир мисол:

يَغْمُرُ يَغْبُ سَجْدَى *Yag+mur+ya+g̃ip / sa+čil+di//*
 تُرْلُكُ جَبَاكُ سَجْدَى *Tür+lüg+če+čäk / su+čul+di//*
 يَنْجُو قَابَى اِجْدَى *Yün+čü+qa+pī / a+čil+di//*
 جَدَان يَزَارُ يُغْرَشُور *Čin+dan+yi+par / yug+ru+šur.*

Мазмуни: Кўкламни таърифлаб айтмоқда: Ёмғир ёғиб сочилди, ҳар хил гуллар очилди. Инжу қопи очилди, ҳақиқатан ҳам ифор хидлари бурқирайди [4:244].

«Баҳор ҳақидаги қасида»нинг ўзига хосликларидан яна бири шуки, унда истиора санъатидан моҳирона фойдаланилган. Бунга асосий сабаб, қасиданинг табиат тасвирига бағишланганидир.

Мумтоз Шарқ шеърятини ҳақида гап кетганда, кўз олдимизда беихтиёр турлича қарашлар ва ғоялар ифодаси учун асрлар давомида фаол хизмат қилган хилма-хил оригинал ташбиҳ ва сифатлашлар, нозик истиора ва истиоравий образлар келади.

Булар, гарчи шеърини санъатлар сирасига кирса-да, аммо улар мумтоз шеърятнинг қон-қонига сингиб, унинг зарурий унсурларига айланиб кетган. Истиора Шарқ адабиётининг эмас, балки жаҳон бадиий тафаккурининг энг қадимий унсурларидан саналади. Ғарб адабиётшунослигида бундай шеърини санъат метафора дейилади. Аристотель «Поэтика»сида [2:42-43] метафора ҳақида махсус мулоҳаза юритганлиги маълум.

Атоуллох Хусайний истиорага шундай таъриф беради: «Истиора мажознинг бир навъидур ва мажоз ҳақиқатнинг зиддидир. Ҳақиқат бўлсалар, ўз ясоғи, яъни нимани мўлжаллаб ясаган бўлсалар, ўшул маънода қўлламоқдин иборатдур. Мажоз лафзни ўз ясоғидин ўзга маънода ясоғу лафзу ўшул маъно орасиндаги бирор алоқаю муносабатқа асосланароқ қўлламоқтин иборатдур, ўз ясоғида тушунмакка моний бўлғучи жумладошин келтирмак шарти била. Масалан, қўл дерлар ва кўпинча қудрат зуҳури қўл билан амалға ошганлиғига асосланиб, андин қудратни ирода қилурлар. Шер дерлар ва юраклиғ киши

шерга ўхшаганлиғи асосланиб, андин юраклиғ кишини ирода этарлар» [3:219].

Демак, «Истиора адабий асарда сўзни ўз маъносидан бошқа бир маънода, аниқроғи унинг ҳақиқий маъносида эмас, балки мажозий бир маънода қўллаш санъати ҳисобланади. Кўпинча бу икки маъно ўзаро ўхшашликка асосланади» [7:12].

Бу таърифлардан кўриниб турибдики, истиора ташбиҳ санъатига яқиндир. Илми бадиъга оид манбаларда истиора билан ташбиҳи киноятга берилган таърифлар ўртасида фарқ сезилмайди. Бу бежиз эмас, чунки моҳиятан истиора биргина «мушаббихун бих» иштирок этган ташбиҳдир. Ташбиҳ ва истиора ўртасида генетик яқинлик бўлишидан ташқари, уларнинг ҳар иккисиди ҳам муаллифнинг тасвир объектига бўлган муносабати намоён бўлади. Мумтоз адабиётда ҳам, ҳозирги давр адабиётида ҳам, мазкур санъатлар мутлақо иштирок этмаган поэзияни тасаввур қилиш қийин.

Куйида қасидадан қўлланилан истиора санъатига мисол келтирамиз:

قِزِيلُ سَرِيحُ ارْقَاشِپ *Qizil, sariğ arqašip,*
 يَپْكِنُ يَاشِيلُ يۈزْكَاشِپ *Yepkin yašil yūzkāšip,*
 بَرُ بَرُ كَرۈ يۈرْگَاشِپ *Bir-birgärü yörgāšip,*
 يَالِيقۈ اَنِي تَاڭلَاشۈر *Yalıquq anī taŋlašur.*

Кўкламни таърифлаб айтмоқда: Қизил, сариқ гуллар бир-бирига суянишиб, яшил райҳонлар бир-бири билан ўралишиб кўринади. Уларни кўрган киши танг қолади [4:158-159].

Истиоранинг қўлланилишида, асосан, табиат кўйидаги ўсимлик дунёсига мурожаат этилган. Бу ерда *qizil, sariğ* ва *yašil* гулнинг истиораси вазифасида келган.

Баҳор туркийлар ҳаётида янгилиниш ва ёшариш фасли бўлгани туфайли, унга алоҳида меҳр билан қарашган. Буни қасидадан олинган куйидги парчада ҳам кўриш мумкин:

يَلْقَى يَرِنْ اَتْلَنۈر *Yılqı yarın (yazın) atlanur,*
 اَتْلَبُ اَنِنْ اَتْلَنۈر *Otlap anin etlänür.*
 بَڭلَر سَمۈز اَتْلَنۈر *Beglär semüz atlanur,*
 سَۋنۈپ اۈڭر اِسْرَشۈر *Sewnüp üğür işrišur.*

Кўкламни таърифлаб айтмоқда: Кўкламда хайвонларнинг аҳволи яхшиланади, эт олиб семирадилар. Беклар семиз от миннишлари мумкин бўлади. Йилқилар севинишиб, бир-бирларини тишлашади [4:119].

Бу парчада баҳор фасли келиши билан отларнинг этга кириши тасвирига алоҳида тўхталиб ўтилган. Боиси, туркийлар чорвадор халқ. Улар ҳаётида от алоҳида ўринга эга. Ўз юртларини душман қўшинларидан ҳимоя қилишда ҳам отдан кенг фойдаланилган. Шу боис, баҳор ҳақидаги қасидада баҳор келиши билан ижтимоий ҳаётда қандай ижобий ўзгаришлар юз бериши таъкидлаб ўтилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, «Девону луғати-т-турк» қасида 14 тўртликдан иборат бўлиб, қасидада асосий ва охириги қисмларида анъанага риоя қилинади. Бошқа композицион қисмларда анъанавийликдан чекинилади.

Қасиданинг марказида баҳор фасли туради. Бунда баҳор фаслининг бор яхши имкониятлари рамзий ифодаalar ҳамда бадиий йўсинда моҳирона тасвирланади.

ХУЛОСА

Асарда келтирилган баҳор ҳақидаги қасидадан маълум бўладики, туркий халқлар табиатга ўзгача меҳр билан муносабатда бўлган. Бу қасидада учровчи мажозий тасвирлар, ташбиҳлар, истиоралар, жонлантириш ва енгил кинояларда ўз аксини топган. Уни ўқиганда чорвадор турклар ҳаёти, фаолияти, табиий муҳит кўз олдингизда яққол гавдаланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Адабиёт назарияси. Икки томлик. 1-том / М.К.Нурмухамедов таҳрири остида. – Т.: Фан, 1978. – Б. 22.
2. Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 42-43.
3. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Тошкент: Фафур Фулом, 1981.
4. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. Нашрга тайёрловчи: Қ.П.Содиқов. – Т.: Фан, 2017.
5. Фильштинский И. Арабская литература в средние века (VIII–IX вв.). – Москва: Главная редакция восточной литературы, 1978.

6. Ходжаева Р. Мумтоз араб адабиёти жанрлари тизими ва типологияси. – Тошкент: ТошДШИ, 2015.
7. Ҳожирахмедов А. Шеър санъатларини биласизми? – Тошкент: Шарқ, 2001.
8. Yuri Tynianov. The Ode as an Oratorical Genre // New Literary History, 2003 (34). – P. 565-596.
9. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-b/barmoqtizimi-uz/>
10. <https://www.supersummary.com/ode/>